

# **ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ШАРТНОМАСИ**

2022 й. «23» 5

22036- сон

Фарғона ш.

Ўзбекистон тумани Халқ таълими бўлими келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан раҳбари Н.Сиддиқова бир томондан "FERGHANA GABLE SERVISE" МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар **Б.Джалилов** иккинчи томондан мазкур лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бўйича шартнома туздилар:

## **1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.**

1.1 Бажарувчи Ўзбекистон тумани ХТБ тасарруфидаги 26-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш учун лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказишни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиха-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-коидалар ва меъёrlарга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;
- лойиха ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## **2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

**2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиха-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равиша қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

**2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз хисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

## **3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

Кўриб чиқган юрист: TURDIALIYEV ABDUMANNON RAXMONJON O'G'Ll. Ҳужжат рақами: UH0832126487

3.1. Кўйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 2 нусхада лойиха-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ Эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичиде уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ Эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан биро мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

#### **4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.**

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси – 7 000 000(етти миллион) сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур обьект бўйича тўлов инвестиция дастури ва кайси маблағлар ҳисобидан аниқланиб ва шу бюджет ҳисоб раками очилгандан кейин, обьектнинг ҳисоб ракамига маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % микдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Кўйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармагандан мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шахарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга кадар жавоб беради. Лойиха-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, конунларда белгиланган тартиба ва иқтисодий судга мурожаат килишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳаки кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи микдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдириган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлик хисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

#### Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганилик ёки лозим даражада бажармаганилик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишимовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларни тўлиқ бажаргунга қадар амал қиласди.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

### «БУЮРТМАЧИ»

Ўзбекистон тумани Халқ таълими бўлими

Манзил: Яйпан шахар Зиёкор кўчаси 102-й

Тел:

X/p :401722860302307092100075033

Бюджетдан маблаг оловчи СТИРи:  
**200189130**

ОКОН:97600

Газначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон туман буйича

Газначилик бўлинмаси

Ягона газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банк

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРИ:  
**201122919**

Рахбарни

Н.Сиддиқова

### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

«FERGHANA GABLE SERVICE» МЧЖ

Манзил: : Фаргона шаҳар Ватан

равнаки кучаси 228-й

Тел. +998 90 407 39 96

X/p 20 208 000 800 242 884 001

Банк номи: Универсал банк Фаргона филиали

МФО: 01131 ИНН: 302 653 903

ОКОНХ ОКЭД 71110



Директор

Б.Джалилов





## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI

O'ZBEKISTON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumani, Ziyokor ko'chasi, tel.: (998 73) 539 15 38,  
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 23-may

Yaypan shahri

### YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi : Shartnoma.**

**2.Loyihaning nomi: Mahsulot yetkazib berish shartnomasi.**

**3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi.**

**4.Loyiha yuzasidan ma'lumot:**

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi va "FARGHANA GABLE SERVISE" MChJ o'ttasida O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi tasarrufidagi 26-sonli maktab binosini joriy ta'mirlash uchun loyiha smeta hujjatlarini tayyorlash va ekspertizadan o'tkazish shartnomasi loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirdorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo'jalik shartnomalarining subyektlari (taraflari) bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko'ra, xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatları bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagи shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Shartnoma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o'zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan shartnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo'lgan mansabdor shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko'ra, eng

yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o‘zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g‘olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo‘ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo‘yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budget buyurtmachilari uchun olti ming baravarigacha) bo‘lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida “Takliflarni taqqoslash natijalariga ko‘ra xarid komissiyasi tanlash g‘olibini aniqlaydi va tanlash o‘tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi.” deb belgilangan.

O‘zbekiston tumani Xalq ta‘limi bo‘limi xarid komissiyasining 2022-yil 18-maydagi 84190-sonli bayonnomasiga asosan O‘zbekiston tumani Xalq ta‘limi bo‘limi tasarrufidagi 26-sonli maktab binosini joriy ta‘mirlash uchun loyiha smeta hujjatlarini tayyorlash va ekspertizadan o‘tkazish yuzasidan o‘tkazilgan tanlovda “FARGHANA GABLE SERVISE” MChJ tanlov g‘olibi deb belgilangan.

“Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir shartnoma tanlash bo‘yicha xarid qilish hujjatlarida va o‘zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o‘rganib, yuqoridaqilarga asosanlangan holda

#### XULOSA QILAMAN:

O‘zbekiston tumani Xalq ta‘limi bo‘limi va “FARGHANA GABLE SERVISE” MChJ o‘rtasida O‘zbekiston tumani Xalq ta‘limi bo‘limi tasarrufidagi 26-sonli maktab binosini joriy ta‘mirlash uchun loyiha smeta hujjatlarini tayyorlash va ekspertizadan o‘tkazish shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq hisoblanadi.

**Markaz bosh yuriskonsul‘ti**



A.Turdialiyev